



*Дилфуза САГДУЛЛАЕВА,*  
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти.*  
*E-mail: [dimaruffon@mail.ru](mailto:dimaruffon@mail.ru)*

## THEMATIC CLASSIFICATION OF ARABIC ACQUISITIONS USED IN THE WORK “KISASY RABGUZY”

### Abstract

This article analyzes the separated thematic groups of words and phrases of Arabic origin, defined in the work of Kysasi Rabguzi by Nasuriddin Rabguzi, first written in Turkic language based on Islamic sources in the XIII-XIV centuries in Khorezm. The study of Arabic borrowings in manuscripts in the diachronic aspect includes not only in determining the methods of developing linguistic facts, but also studying the history of the people who created it. One of the common ways of the historical development of a language and its vocabulary is the analysis of the words of a language in separated subject groups. The definition of affiliation of Arabic words to certain areas, the thematic grouping will give a complete picture of the spirituality, the legal level of the peoples of that era, and partnership relations with neighboring and fraternal peoples. The study revealed and analyzed 24 thematic groups of Arabic borrowings given in the work and made a scientific analysis of these words. In addition, there were indicated the researches which performed an analysis of the vocabulary of the language in separated subject groups. Several kinds of proper names, being effectively used in the language of the work, were identified. It was also concluded that borrowed and exotic anthroponyms, ethnonyms, theonyms and toponyms and religious vocabulary are the most frequently used groups in the language of the work. This research plays an important role in the study of the historical development of the process of borrowing Arabic words and lexical composition in the language of the Turkic peoples of the XIII-XIV centuries.

**Key words:** lexical content, arabic borrowings, thematic groups, vocabulary, lexical groups, classification, linguistic method, anthroponym, ethnonym, toponym.

---

## ТЕМАТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ АРАБСКИХ ОВЛАДЕНИЙ, ИСПОЛЗОВАННАЯ В РАБОТЕ «КИСАСИ РАБГУЗИ»

### Аннотация

В данной статье анализируются разделенные тематические группы слов и словосочетаний арабского происхождения, определенные в произведении «Кысасы Рабгузи» Насируддином Рабгузи, впервые написанном на тюркском языке на основе исламских источников в XIII-XIV веках на территории Хорезма. Изучение арабских заимствований в рукописях в диахроническом аспекте заключается не только в определении методов развития языковых фактов, но и для изучения истории людей, которые его создали. Одним из распространенных способов исторического развития языка и его словарного состава является анализ слов языка в разделенных тематических группах. Определение принадлежности арабских слов к определенным сферам, тематическая группировка дадут полное представление о духовности, правовом уровне народов той эпохи и партнерских отношениях с соседними и братскими народами. В результате исследования было выявлено и проанализировано 24 тематические группы арабских заимствований, данных в произведении и сделан научный анализ этих слов. Кроме того, были указаны исследования, которые проделали анализ словарного состава языка по разделенным тематическим группам. Было определено несколько видов собственных имен, которые были эффективно использованы на языке произведения. Также было сделано заключение о том, что заимствованные и экзотические антропонимы, этнонимы, теонимы и топонимы и религиозная лексика являются наиболее часто используемыми группами в языке произведения. Это исследование играет важную роль в изучении исторического развития процесса заимствования арабских слов и лексического состава в языке тюркских народов XIII-XIV веков.

**Ключевые слова:** лексический состав, арабские заимствования, тематические группы, лексика, лексические группы, классификация, лингвистический метод, антропоним, этноним, топоним

---

## “КИСАСИ РАБГУЗИЙ” АСАРИДА ҚЎЛЛАНГАН АРАБИЙ ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ ТЕМАТИК ТАСНИФИ

### Аннотация

Мазкур мақолада XIII–XIV асрларга оид Хоразм худудида Носируддин Рабғузий томонидан исломий манбалар асосида илк бор туркий тилда яратилган “Қисаси Рабғузий” асари лугати таркибида аниқланган арабий ўзлашмалар мавзуйи гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган. Асар тилидаги арабий ўзлашмаларни диахрон аспектда ўрганиш тил фактларининг тараққий этиш усулларини аниқлаш учунгина

эмас, балки уни яратган халқ тарихини тадқиқ қилиш учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Тилнинг тарихий ривожланиш жараёни ва лугат бойлигини ўрганишнинг кенг тарқалган усулларидан бири тилдаги сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиб таҳлил қилишдир. Асарда келтирилган арабий сўзларнинг қайси соҳа тармоқларига оидлигини аниқлаш, мавзуй жихатдан гуруҳлаштириш асар яратилган давр халқларининг маънавияти, ҳуқуқий савияси, қўшни ва қардош халқлар билан олиб борган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини ҳам беради. Тадқиқот натижасида асарда келтирилган арабий ўзлашмаларнинг 24 та мавзуй гуруҳи аниқланиб, илмий асосда таҳлил қилинди. Тилнинг лугат бойлигини мавзуй гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар юзасидан тўхталиб ўтилди. Асар тилида фаол тарзда қўлланилган атоқли отларнинг бир неча турлари аниқланди. Жумладан, ўзлашма ва экзотик антропонимлар, этноним, теоним ва топонимлар ҳамда диний лексика асар тилида энг кўп қўлланилган гуруҳлар сифатида хулоса қилинди. Мазкур тадқиқот XIII–XIV асрлар туркий халқлар тилида арабча сўзларнинг ўзлашиш жараёни ва лугат бойлигини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

**Калит сўзлар:** лексик таркиб, арабий ўзлашмалар, мавзуй гуруҳлар, лексика, лексик гуруҳ, тасниф, лингвистик метод, антропоним, этноним, топоним.

XIII–XIV асрлар туркий халқлар ва туркий тиллар тарихида алоҳида ва мураккаб даврни ташкил этади. Бу даврда Марказий Осиё ва Олтин Ўрда музофотларида тил хусусиятлари жихатидан бири-бирдан фарқ қилувчи кўпгина асарлар яратилган [13]. Шундай асарлардан бири “Қисаси Рабғузий” бўлиб, унинг лугат таркибида кўпгина арабий жумла, ибора ва ўзлашмалар мавжуд. Тилнинг тарихий ривожланиш жараёни ва лугат бойлигини ўрганишнинг кенг тарқалган усулларидан бири тилдаги сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиб таҳлил қилишдир. Манбаларда келтирилган сўзларнинг қайси соҳа тармоқларига оидлигини аниқлаш нафақат тилшунослик учун балки бошқа фанлар учун ҳам муҳим маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ёзма манбалар тилидаги лексемаларни мавзуй жихатдан гуруҳлаштириш асар яратилган давр халқларининг маънавияти, ҳуқуқий савияси, қўшни ва қардош халқлар билан олиб борган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини ҳам беради [2, 55].

Тилдаги сўзларнинг шу асосда тасниф қилиш тилшуносликда сўзларнинг мавзуй гуруҳлари ёки сўзларнинг мавзуй қаторлари деб номланади. Тилдаги лексикани у ёки бу мавзуй гуруҳга мансуб деб билиш сўзлар орасидаги маъно муносабатларига, предметлилик хусусиятига ва номинацион белгиларига боғлиқ. Сўзларнинг мавзуй гуруҳларига маъно жихатдан бир йўналишдаги сўзлар (масалан, бир сўз туркумига оид сўзлар) ёки аралаш типли сўзлар кириши мумкин. “Мавзуй гуруҳлар” термини сўзларни тасниф қилишнинг лингвистик методларидан бирини ва ушбу методда тасниф қилинган тил материалининг лексик гуруҳларини англатади [4, 120]. Ўзлашма қатлам лексикасини мавзуй гуруҳларга бўлиш ва уларни қиёсий ўрганиш ўз қатламда қандай соҳаларга оид сўзлар сақланганини, қайси соҳаларга оид сўзлар тарихан чиқиб кетгани ва улар ўрнини қандай ўзлашган сўзлар эгаллаганини аниқлашга йўл очади.

“Қисаси Рабғузий” асаридаги арабий ўзлашмаларни мавзуй гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилиш араб тилининг XIII–XIV асрлар туркий халқ ҳаёти билан боғлиқ хусусиятлари, жумладан, ижтимоий, сиёсий, маданий турмуш, диний қарашларга оид маълумотларни намоён қилиш

имкониятини беради. Шунингдек, асарда қўлланилган арабий ўзлашмаларнинг ҳажми ва салмоғини белгилашда ҳам мазкур қатламга мансуб сўзларни мавзуй қаторларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Юкоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда асарда учраган арабий ўзлашмалар *атоқли отлар, диний лексика, этнографияга оид тушунчалар, вақт тушунчасини англатувчи сўзлар, табиий бойлик ва қимматбаҳо тошлар номлари, таълим-тарбияга оид сўзлар, адабиётшунослик атамалари, хусусият ва белгилари билдирувчи сўзлар, касб-ҳунар номларига оид сўзлар, егулик ва ичимликларга оид сўзлар, мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, ижтимоий-сиёсий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, ҳайвонот ва наботот оламига оид сўзлар, тана аъзолари номлари, табиат ҳодисаларини ифодаловчи сўзлар, йўналиш ва томонни билдирувчи сўзлар, қавм-қариндошлик муносабатларини ифодаловчи сўзлар, космогоник объектларни ифодаловчи сўзлар, ой номлари, мусиқа асбоблари номлари, иқтисодий муносабат ва тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар, ҳарбий лексика, китобатчиликка оид терминлар* каби гуруҳларга ажратилди. Қуйида мазкур гуруҳлар юзасидан тўхталиб ўтамыз.

**1. Атоқли отлар.** Асарда арабча атоқли отлар салмоқли миқдорда қўлланилган бўлиб, уларнинг қуйидаги типлари аниқланди.

**Антропонимларга** арабий исм, қуна (кишини фарзанди номи билан чақиритиш) ва лақаблар киради. *Муҳаммад Мустафо* [10, 2г/8], *Носиру-д-дин* [10, 2г/19], *Абдуллоҳ ибн Аббос* [10, 4в/14–15], *Яҳё ибн Масъаф Ар-Розий* [10, 11г/10], *Абду-л-муғийс* [10, 15в/1], *Мазийд ибн Саъд* [10, 29в/15], *Луқмон ибн Од* [10, 29в/16], *Қайл ибн Умар* [10, 29в/16], *Малик ибн Сулаймон ал-Ҳаровий раҳматуллоҳи алайҳи* [10, 24в/22] шулар жумласидандир.

Б. Абдушукуров ўз тадқиқотида антропонимларни лексик-семантик хусусиятларига кўра, диний антропонимлар, тарихий шахслар исми, лақаб, тахаллуслар, ҳайвонларга қўйилган исмлар, бутлар номи тарзида таснифлайди [1, 52–53].

Н. Улуқов эса ўзининг диний матнлар экзотик лексикасига бағишланган тадқиқотида юкорида келтирилган антропонимларнинг ўзлашган ва экзотик турларини келтиради. Муаллиф фикрича,

экзотик антропонимлар –ўзлашмаган арабча атокли отлардир. Антропонимлар атокли отларнинг энг катта бир типи бўлиб, диний матнларда учрайдиган экзотик лексика доирасида алоҳида бир мавзуий гуруҳни ташкил қилади. Экзотик антропонимлар гуруҳига араб халқларига хос киши исмлари, лақаблар, нисбалар, кунялар, тахаллуслар киради. Экзотик антропонимларга хос яна бир хусусият – киши отаси исми олдида эркак бўлса “ибн”, яъни ўғил аёл бўлса “бинт”, яъни қиз сўзлари келтирилади [13, 88–90]. Асарда келтирилган *Мазийд ибн Саъд* [10, 29v/15] – Саъднинг ўғли Мазийд, *Умар ибн Хаттоб* [10, 190v/5] – Хаттобнинг ўғли Умар, *Варақа ибн Навфал* [10, 191v/18] – Навфалнинг ўғли Варақа, *Оиша бинт Абу Бакр Сиддиқ* [10, 198r/21] – Абу Бакр Сиддиқнинг қизи Оиша, *Савдо бинт Ромиъа* [10, 198r/21] – Ромиъанинг қизи Савдо, *Омина бинт Ваҳҳаб* [10, 198r/11] – Ваҳҳабнинг қизи Омина каби кунялар шулар жумласидандир. Баъзан экзотик антропонимлар олдида “*абу*”, яъни “ота” ёки “*умму*”, яъни “она” маъносидаги сўзлар келади. Асарда бу турга мансуб бўлган *Абу Толиб* [10, 191v/21] – Толибнинг отаси, *Абу Бакр* [10, 190r/15] – Бакрнинг отаси, *Абу-л-Ос* [10, 198r/20] – Оснинг отаси, *Абу Суфён* [10, 198r/1] – Суфённинг отаси, *Умму Кулсум* [10, 198r/20] –Кулсумнинг онаси, *Умму Ҳабиба* [10, 198r/1] – Ҳабибанинг онаси каби исмлар учрайди.

Баъзан “*абу*”, “*умму*”, “*бинт*” ва “*ибн*” сўзлари бирга келиш ҳолатлари ҳам қузатилади. Бунда нафақат исм, балки насаб ҳам ифодаланadi. Масалан: *Умму Ҳабиба бинт абу Суфён* [10, 198r/1] – Суфён отасининг қизи Ҳабибанинг онаси ёки *Али ибн Абу Толиб* [10, 198r/20] – Толиб отасининг ўғли Али каби.

**Этнонимлар** – уруг, қабила, элат, халқ ва миллат номлари бўлиб, ўз моҳиятига кўра турдош отга яқин туради. Илмий анъанага кўра, этнонимлар атокли от аспектида ўрганилади [7, 18–28]. Асарда “*Қурайш*” [10, 95r/3], “*араб*” [10, 27r/12], “*Бани Исроил*” – “Исроил қавми” [10, 62r/4], *Бани Умаййа* – “Умаййа қавми” [10, 242r/7], “*жуҳуд*” [10, 13r/2] –

“*яхудий*”, “*сурёний*” [10, 2v/12] каби этнонимлар мавжуд.

**Теонимлар** – афсонавий мавжудотлар, диний тушунча ва тасаввурлар, пайгамбар ва авлиёлар, диний адабиётлар номларидир. Асардаги теонимларни қуйидаги кичик гуруҳларга ажратиш мумкин [2; 14]:


1. Аллоҳнинг номлари: *Ҳақ субҳанаҳу ва Таоло* [10, 3r/6], *Ҳақ Таоло* [10, 3r/9], *Аллоҳ жалла жалаалуҳу* [10, 9v/8], *МавлоТаоло* [10, 2v/12], *Мавло азза ва жалла* [10, 13r/19], *Роб* [10, 2v/9].

2. Пайгамбар ва саҳобаларнинг ном ва лақаблари: *Одам алайҳи-с-салом* [10, 6r/1], *Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам* [10, 15r/4], *Али карамаллоҳу ваҷеҳаҳу* [10, 14v/5].

3. Фаришталар номи: *Жаброил алайҳи-с-салом* [10, 2r/15], *Иблис* [10, 4r/1].

4. Диний адабиётлар ва сураларнинг атокли отлари: *Қуръони карим* [10, 2v/7], *Сурату-л-аср* [10, 22r/18], *Сурату-л-бақара* [10, 66r/14], *Сурату-л-анфол* [10, 66r/17], *Сурату-л-ихлос* [10, 66r/19], *Сурату-л-анъом* [10, 66r/19].

**Топонимлар** – куруклик ва сувликдаги табиий географик объектларга берилган номлардир [4, 25]. *Маккаи мукаррама* [10, 6r/5], *Каъба* [10, 3r/13], *Тоиф* [10, 6r/5] – “Саудия Арабистони гарбидаги шаҳар”, *Басра* [10, 13r/2] – “Ироқдаги шаҳар”, *Байту-л-мақдис* [10, 2r/14] – “Фаластиндаги шаҳар” сингари. Шунингдек, асарда *Арафот* [10, 14r/17] – “Арафот тоғи”, *Жидда* [10, 13r/2] – “Арабистондаги тоғ”, *Тур* [10, 120v/15] – “Фаластиндаги тоғ”, *Уҳуд* [10, 120v/15] – “Мадинадаги тоғ” **оронимлари** ва *Кавсар* [10, 133v/21] – ислом динига кўра жаннатдаги ажиб бир дарё ёки ҳовузнинг номи [11], *Замзам* [10, 17r/12] – “Макка шаҳридаги “Масжиду-л-ҳаром” саҳнидаги мукаддас булок” **гидронимлари** ва *Масжиду-л-ҳаром* [10, 7r/11] – Каъба атрофидаги масжид, *Масжиду-л-Ақсо* [10, 209v/16] – “Куддус шаҳридаги масжид” номлари ҳам келтирилган. Юқорида келтирилган атокли отларни қуйидаги график кўринишда тасвирлаш мумкин.



Расм 1. Арабча атоқли отлар таснифи.

**2. Диний лексика.** “Қисаси Рабғузий” асари ислом динининг муқаддас манбалари Қуръони карим ва Ҳадиси шариф, шунингдек, бошқа диний манбалар асосида яратилганлиги боис, асардаги арабий сўз ва ибораларнинг аксарияти диний соҳага оиддир. Кузатишлар натижасида асарда диний лексикага оид қуйидаги арабий сўзлар аниқланди: *ҳамду сано* [10, 1v/2], *авлиё* [10, 2r/5], *алайҳи-с-салом* [10, 1v/4] – “унга саломлар бўлсин”, *анбиё* [10, 2r/7] – “набийлар”, *набий* [10, 2r/7] – “пайгамбар”, *ҳидоят* [10, 1v/6], *шаҳодат* [10, 2r/3], *ибодат* [10, 2r/4], *ишорат* [10, 2r/5] – “белги, ишора”, *башират* [10, 2r/6], *уммат* [10, 2r/7], *қибла* [10, 2r/7], *дин* [10, 2r/9], *шариат* [10, 2r/9], *кофир* [10, 2r/9], *шафоат* [10, 2r/10] – “ёнини олиш, тарафдор бўлиш”, *қиёмат* [10, 2r/11], *осий* [10, 2r/12], *муслмон* [10, 2v/1], *мўъмин* [10, 2v/1], *расул* [10, 2v/6] – “элчи, юборилган”, *тоат* [10, 2v/6], *тасбиҳ* [10, 2v/7], *сирот мустақийм* [10, 2r/5] – “тўғри йўл”, *муҳаф* [10, 2v/6], *валлоҳу аълам* [10, 3r/4] – “Аллоҳ билгувчироқдир”, *муаззин* [10, 215r/10] – “азон айтувчи”, *сажда* [10, 4v/4], *маъсият* [10, 5r/3] – “гуноҳ”, *мазҳаб* [10, 6r/12], *наъзу биллаҳи фи залика* [10, 7r/6] – “Аллоҳ бундан асрасин!”, *жазакаллоҳу хайран* [10, 14v/10] – “Аллоҳ яхшилик билан мукофотласин!”, *минбар* [10, 17r/9] – “масжид минбари”, *имом* [10, 82v/7], *шайх* [10, 11r/1], *хатиб* [10, 143r/9] – “хутба айтувчи”, *имоматлиг* [10, 236v/1] – “имомлик қилиш”, *халифа* [10, 9v/19], *коҳин* [10, 38r/1] – “рухоний; гойибдан хабар беришни, фол очишни даъво қилувчи, сеҳргар [15, 415]”. Мустақилликдан сўнг мазкур диний сўз ва ибораларнинг баъзилари кундалик ҳаётимизда кенг қўлланила бошлади.

**3. Этнографияга оид тушунчалар:** *ийд* [10, 75v/2] – “хайит, байрам”, *одат* [10, 75v/2], *қоида* [10, 226r/4], *урф* [10, 75v/2] – “расм, таомил”.

**4. Вақт тушунчасини англатувчи сўзлар:** *тарих* [10, 2v/13] – “сана”, *вақт* [10, 5r/4], *замон* [10, 6v/6], *соат* [10, 7v/2], *умр* [10, 4v/9].

**5. Табиий бойлик ва қимматбаҳо тошлар номлари:** *нафт* [10, 41r/14] – “нефть”, *руҳом* [10, 62v/7] – “мармар тош”, *зумуррад* [10, 3v/11] – “зумрад”, *ёқут* [10, 3v/14] – қимматбаҳо тош, *ақиқ* [10, 50v/8] – “қизил тусли қимматбаҳо тош”, *жавоҳир* [10, 3r/9]. Мазкур гуруҳга кирувчи сўзларнинг аксарияти “Сулаймон бин Довуд алайҳи-с-салом” киссасида учрайди.

**6. Таълим–тарбияга оид сўзлар:** *китоб* [10, 2r/17], *китобат* [10, 2v/14], – “ёзув”, *қалам* [10, 2v/17], *таълим* [10, 3v/7], *устоз* [10, 4v/7], *дарс* [10, 20r/21].

**7. Адабиётшунослик атамалари:** *ҳикоят* [10, 18v/16], *қисса* [10, 15r/21], *қисас* [10, 3r/4] – “қиссалар”, *байт* [10, 50v/10], *вазн* [10, 222v/5], *шеър* [10, 16v/10]. “Қисаси Рабғузий” асари насрий асар бўлиши билан бир қаторда, унда кўплаб туркий ва араб тилида битилган байт ва шеърлар мавжуд. Адабиётшунослик атамалари асарда тез-тез учраб туради.

**8. Хусусият ва белгини билдирувчи сўзлар:** *заиф* [10, 1v/8], *мутеъ* [10, 2r/6], *олий* [10, 2r/9], *осиу* [10, 2r/12] – “гуноҳкор”, *мустақим* [10, 2v/15] – “тўғри”, *лойиқ* [10, 2v/19], *ожиш* [10, 3v/8], *мискин* [10, 3v/9] – “ғариб, бечора”, *маккор* [10, 4r/17], *машғул* [10, 4r/21] – “банд”, *муқаррам* [10, 5v/4], *вофеъ* [10, 5v/5] – “вафодор”, *азиз* [10, 5v/19], *фозил* [10, 6r/9] каби.

**9. Касб–ҳунар номларига оид сўзлар:** *уламо* [10, 2r/20] – “олимлар”, *муфассир* [10, 9v/6] – “тафсирчи”, *шайх* [10, 11r/2], *муаллим* [10, 11v/14], *ҳирфа* [10,



18r/3] – “касб”, *хайёт* [10, 20r/1] – “тикувчи”, *табиб* [10, 181r/14].

**10. Егулик ва ичимликларга оид сўзлар:** *шароб* [10, 160r/14] – “ичимлик”, *шарбат* [10, 5v/10], *неъмат* [10, 5v/10], *таом* [10, 6v/19], *асал* [10, 12v/14], *хамр* [10, 16v/21]– маст қилувчи ичимлик. Асарда “хамр” сўзи қуйидаги жумла таркибида келади : *Қобил Ҳобилини ўлдурди эрса, Иблис келиб Қобилга сўзлади: Мавло Таоло не учун сенинг қурбонингни қабул қилмади, анинг учунки сен ўтга топунмазсен, бутга топунмазсен, хамр ичмазсен...*

**11. Мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар:** *зулмат* [10, 2r/9], *ният* [10, 2r/21], *ақл* [10, 2v/2], *разбат* [10, 2v/14], *мақсуд* [10, 2v/16], *илтимос* [10, 2v/18], *тавфиқ* [10, 2v/21] – “омад”, *савол* [10, 5r/9], *жавоб* [10, 5r/10], *маъно* [10, 5r/18], *узр* [10, 5r/19], *қаҳр* [10, 51v/11], *бахт* [10, 120v/2].

**12. Ижтимоий–сиёсий тушунчаларни англатувчи сўзлар:**

Ижтимоий–сиёсий тушунчаларга оид терминларнинг батафсил таснифини Х. Дадабаевнинг тадқиқотларида кузатамиз [6]. Асарда ижтимоий–сиёсий тушунчаларни англатувчи қуйидаги арабий сўзлар аниқланди: *мамлакат* [10, 97r/20], *вилоят* [10, 60r/12], *мулк* [10, 43v/21] – “давлат”, *миллат* [10, 184r/14], *фармон* [10, 52v/16], *ҳукм* [10, 192r/4], *муҳр* [10, 236r/9]– “муҳр, тамга”, *нишон* [10, 35v/21], *қози* [10, 148r/20], *фитна* [10, 76r/14], *жазо* [10, 51v/21], *қисас* [10, 127v/20] – “ўч, қасос”, *малик* [10, 32r/4], *султон* [10, 45v/15], *ҳожиб* [10, 45r/21]– “эшик огаси”, *валий* [10, 65v/17] – ҳоким, *вазир* [10, 58v/1], *халифа* [10, 9v/19], *ноиб* [10, 235r/17], *ҳадия* [10, 27v/21], *садақа* [10, 8r/20] каби.

**13. Ҳайвонот ва наботот олами билан боғлиқ сўзлар:** *тут* [10, 120r/20], *набат* [10, 23v/14]– “ўсимлик”, *товус* [10, 12v/19], *қаранфул* [10, 13r/8] – “қалампирмунчоқ”, *сунбул* [6, 13r/8] – “пиёзгуллилар оиласига мансуб, лола баргига ўхшаш узун баргли ўтсимон манзарали ўсимлик ва унинг гуж бўлиб”, *табл* [10, 141v/14]– “ногора”, *нафир* [10, 106v/7]– “карнай”, *сур* [10, 177r/12], *най* [10, 221r/15], *нагора* [10, 106v/7], *танбур* [10, 177r/7] каби.

**21. Иқтисодий муносабат ва тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар:** *қофила* [10, 216m/15] – “карвон”, *работ* [10, 179r/13] – “карвонсарой”, *тижорат* [10, 186v/13], *омонат* [10, 6m/14], *зарар* [10, 25r/1], *анбар* [10, 42v/10] – “омбор”, *дуккан* [10, 171m/9] – “дўкон”, *шариш* [10, 72v/18] – “хамкор”, *даллол* [10, 10r/9] – “даллол”, *хирож* [10, 46v/19] – “деҳқончилик маҳсулотларидан олинадиган солиқ”, *закот* [10, 83r/17], *насиб* [10, 138r/13] – “улуш”, *ушр* [10, 45r/12] – “ўндан бир”. Диний–иқтисодий мазмундаги *ушр* сўзи “ашр” ўзагидан ясалган. *Ашара* феъли “ўнта бўлмоқ; *ушр олмоқ*” маъноларини англатади. *Ушр* сўзи ўзбек адабий тилидаги *муашшар* (хар банди ўн мисрали мумтоз шеър шакли), *ашуро* (муҳаррам ойининг ўн куни) сўзлари, шуниингдек, *Ашур//Ашир* антропонимлари билан ўзакдошдир [15].

**22. Ҳарбий лексика.** Асарда мазкур гуруҳга оид бир қатор сўз ва сўз бирикмалари қўлланилган бўлиб,

очиладиган хушбўй ва чиройли гули [15, 587]”, *ҳино* [10, 13r/8] – “хина”, *ҳудҳуд* [10, 13v/3] – куш номи, *аънқо* [10, 147r/12] – афсонавий куш номи. Асарда бу гуруҳдаги ўзлашмалар қуйидагича келтирилади: *Андин сўнг Сулаймон турнани, бургутни, аънқони йиборди, боринг худҳудни келтуринг.*

**14. Тана аъзолари номлари:** *садр* [10, 2r/7] – “қўкрак қафаси”, *аъйн* [10, 74v/8] – “кўз”.

**15. Табиат ҳодисаларини ифодаловчи сўзлар:** *тўфон* [10, 13v/7].

**16. Йўналиш ва томонни ифодаловчи сўзлар:** *машрик* [10, 37r/9] – “шарқ”, *мағриб* [10, 156r/4] – “ғарб”, *жануб* [10, 179v/7].

**17. Қавм– қариндошлик муносабатларини ифодаловчи сўзлар.** Асарда келтирилган қавм– қариндошлик муносабатларини ифодаловчи лексемаларни қуйидагича таснифлаш мумкин [2]:

1. Умумий тарзда “қариндош” тушунчасини билдирувчи лексемалар:

*қавм* [10, 34r/10]– “уруғ, аймоқ”, *насл* [10, 192r/2] – “авлод”, *аҳл* [10, 192r/4]– “оила”.

2. Қариндошлик тушунчасини индивидуал тарзда ифодаловчи сўзлар:

*аб* [10, 172v/11] – “ота”, *аммузода* [10, 128v/20] – “амаки”, *амма* [10, 191r/8], *хола* [10, 68r/10], *жадд* [10, 242v/9] – “бобо”.

**18. Космогоник объектларни ифодаловчи сўзлар:** *бадр* [10, 2r/8] – “тўлин ой”, *олам* [10, 3r/20], *дунё* [10, 2v/4], *фалак* [10, 3v/1], *самовот* [10, 3v/10] “осмонлар”, *асмо* [10, 8v/10] – “осмон”.

**19. Ой номлари.** Асарда ҳижрий таквимнинг *Ражаб* [10, 25r/14] – “еттинчи ой”, *Мухаррам ойи* [10, 232r/18] – “биринчи ой бўлиб, маҳаллий тилда Ошур ойи деб номланади”, *Рамазон* [10, 248v/8] – “тўққизинчи ой бўлиб, маҳаллий тилда Рўза ойи деб номланади” ва мелодий таквимдаги ойларнинг сурёний номларидан *Таммуз* [10, 232r/17] – “июль ойи” келтирилган.

**20. Мусиқа асбоблари номлари:** *даф* [10, 192v/3] – “тамбурин, ногорага ўхшаш мусиқа асбоби уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз. *Амира-л - муъминин* [10, 241r/ 7]– “мусулмонлар амири”, *муҳолиф* [10, 218v/4] – “душман, ганим”, *ҳарб* [10, 117v/1]– “жанг, уруш”, *қалъа* [10, 134v/3] – “қалъа”.

**23. Китобатчилик терминлари [2, 58]:** *китоб* [10, 53r/20]– “китоб”, *китобат* [10, 2v/14]– “кўчириб ёзиш”, *тафсир* [10, 9v/10] – “шарҳ”, *даваат* [10, 99r/8] – “сиёҳдон”, *лавҳа* [10, 119r/17] – “ёзув тахтаси”, *наққош* [10, 138r/13].

**24. Ўлчов бирликлари номлари:** *ботмон* [10, 23r/4] – “огирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 898.5 граммга тенг”, *мисқол* [10, 80v/60] – “4.35-4.86 граммга тенг огирлик ўлчов бирлиги”, *аср* [10, 52v/5] – “юз йил” каби.

Асар тилидаги арабий ўзлашмаларни диахрон аспектда ўрганиш тил фактларининг тараққий этиш усулларини аниқлаш учунгина эмас, балки уни яратган халқ тарихини тадқиқ қилиш учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир тилнинг тарихи шу тилга мансуб халқ ўтмиши билан боғлиқ. Халқ тарихида юз берган воқеа–ҳодиса тилга албатта ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бу эса дастлаб

тилниг лугат бойлигида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан, айтиш мумкинки, “Қисаси Рабғузий” асарида қўлланилган арабий ўзлашмаларни тематик таснифлаш орқали таҳлил қилиш натижасида 24 та мавзуй гуруҳга мансуб арабча сўзлар қўлланилганлиги маълум бўлди. Ўрта аср туркий халқлари тилига ўзлашган арабча сўзлар ўша давр ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларида фаол қўлланган.

Тематик гуруҳларга бўлиш ҳар қандай ўзлашма қатлам таркиби ҳақида умумий тасаввур бериши аниқ. “Қисаси Рабғузий” асарида ҳам турли

мавзу ва соҳаларга оид арабий сўз ва иборалар қўлланилган бўлиб, асосан салмоқли миқдорда атоқли отлар ҳамда диний соҳага оид сўз ва иборалардан фойдаланилганлиги маълум бўлди. Бу эса халқ ҳаётининг ислом дини билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигидан далолатдир. Асар исломга оид манбалар асосида яратилганлиги сабабли унда ислом динига оид лексик қатлам ўзига хос ўринга эга. Шунинг учун ҳам диний сўзларнинг асосини ташкил қилган арабий ўзлашмалар муайян лексик мавзуй гуруҳлардан таркиб топган диний кадрятларни очиб берувчи лексик восита сифатида ахамиятлидир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абдулхайров М. “Девони Мунис” тилининг лексик қатламлари. Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Т.: 1996. – Б.16
2. Абдушукуров Б.Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2017. – 259 б.
3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Т.: ФАН, 1983. – Б.3.
4. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент, 1985. – Б.120.
5. Гольдин В.Е. Об одном аспекте изучения тематических групп слов // Языки общества. Вып.2. – М.: 1970. – С.163
6. Дадабаев Х. Общественно–политическая и социально–экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –168с.
7. Кармышева Б.Х. Следы средневековых этнонимов и антропонимов в узбекских теологиях// Ономастика Средней Азии. Фрунзе. 1978. – С.18–28.
8. Казакбаева Г.А. Арабизмы в узбекском языке в прикладном и теоритическом аспектах : дис. ... канд. филол. наук : – М., 2009. – 102 с.
9. Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қискача очерк. – Т.: Фан, 1959. –Б.133–134.
10. Nāsirūd-din bin Burhanūd-din Rabguzi. Kisastil–enbiya. I cilt. – Ankara, 1997. – 616 s.
11. Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Биринчи китоб – Т.: Ёзувчи, 1990. –Б.6.
12. Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Иккинчи китоб – Т.: Ёзувчи, 1990. – 272 б.
13. Улуқов Н.М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси. – Дисс. ...филол. фан. ном.: – Т., 1997. – 137 б.
14. Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик–семантик ва услубий хусусиятлари. Филол. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2000. – 243 б.
15. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Иккинчи жилд. Т.:, 2006. – 672 б.